O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 13 май № 100 (3375) Пайшанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг шу йил апрель ойида Москвада ўтган учрашувида мамлакатларимизнинг ҳарбий маҳкамалари ва махсус хизматлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириши зарурлиги таъкидланган эди.

Ислом Каримов суҳбат аввалида ўтган ҳафта охирида Чеченистонда содир этилган террорчилик муносабати билан Россия халқи ва раҳбариятига ҳамдардлик билдирди. Россия мудофаа вазирининг ташрифи икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки хавфсизлик масалаларида ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган.

С.Иванов самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори деб билишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатлари бир-бирига боғлиқ эканлигини, бу иллатга қарши курашда ҳамкорликни янада кучайтириш икки томон манфаатларига мос келишини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистондаги вазиятга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**

**А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## РОССИЯ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил апрель ойида Москвага ташрифи чоғида эришилган аҳдлашувлар самараси сифатида қаралаётган мазкур ташриф Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганининг яққол далилидир.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро террорчилик, диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш, турли халқаро тузилмалар, хусусан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги алоқаларни кенгайтириш, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига доир масалалар ҳақида сўз борди.

Россия мудофаа вазири С.Иванов Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар билан танишди.

**(ЎзА).**



Олий Мажлисда

***Кеча Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди.***

***Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ, Марказий банкнинг 2003 йилги фаолияти якунлари кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Марказий банк раиси Ф. Муллажоновнинг ҳисоботи тингланди.***

## Марказий банк ҳисоб берди

2003 йилда республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга ва инфляция даражасини янада пасайтиришга қаратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Хусусан, инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоизга тенг бўлган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди. Инфляциянинг кескин пасайиши ўз навбатида тижорат банклари фоиз ставкаларининг пасайишига ва шунга мос равишда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратилган кредит ҳажми жиддий ортишига замин яратди.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари асосан устувор лойиҳаларни молиялаштиришга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилди. Бугунги кунга келиб уларнинг 81,1 фоизини узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ташкил этмоқда. Айниқса, валюта алмаштириш курсларини бирхиллаштириш ҳамда валюта сиёсатини эркинлаштириш борасида олиб борилган изчил чора-тадбирлар жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ва Халқаро валюта жамғармаси битимининг 8-моддасини имзолаш имконини берди.

Ҳисобот даврида банклар томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиб, уларга 294 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Республика молия бозорида рақобатни кучайтириш, янги молиявий муассасалар тизимини яратиш, айниқса, тадбиркорлар учун кредит олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида кредит уюшмалари ташкил этишни кенгайтириш масаласига ҳам жиддий эътибор берилди. Жумладан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда жами 14 та кредит уюшмаси самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда тижорат банклари томонидан халқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасидаги мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмаётганлиги таъкидланди.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2003 йилги фаолияти якунлари юзасидан ҳисоботини маъқуллади ва уни Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига киритишга қарор қилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САОДАТ КАЛИТИ

***Илгари хабар қилинганидек, 11 май куни Оқсарой қароргоҳида Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссиянинг йиғилиши бўлди.***

***Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.***

Аждодларимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқаётган истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори, умуммиллий масала бўлмиш таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Қисқа даврда соҳа равнақи йўлида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилди. Чунки келажагимиз пойдевори мактабда бунёд этилади. Улуғ ватандошларимиздан бири таъкидлаганидек, мактаб — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг калитидир.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асосида, мактабларнинг моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ушбу масалага яна бир бор атрофлича тўхталиб, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати, моддий-техника базаси қониқарли ҳолатда эмаслигини жиддий танқид қилган эди.

Ҳозирги кунда кўплаб мактаблар ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган. Айрим мактабларда болалар икки сменада ўқимоқда. Мактабларнинг ярмидан кўпроғи компьютерлар билан жиҳозланган, холос. Интернет тизимига уланган мактаблар ҳали жуда оз.

Мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар ҳам анчагина. Чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Ислом Каримов мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳомий ташкилотлар, бу муҳим ишнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англайдиган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинди. Дастурни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилган эди. Республикамиздаги барча мактаблар моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилганди.

Ўтган давр мобайнида Махсус комиссия юртимиздаги жами мактабларнинг аҳволини ўрганди ва шу асосда Дастур лойиҳасини ишлаб чиқди. Ишчи гуруҳлари томонидан жойлардаги мактаблар Фармойишда белгиланган тартибда тўлиқ рўйхатдан ўтказилди, паспортлаштирилиб, тегишли хулосалар тайёрланди.

Йиғилишда ушбу Фармойиш ижроси бўйича бажарилган ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Юртимиздаги барча мактабларни бешта йўналиш бўйича бугунги замон талабларига қиёслаб, атрофлича ўрганиб чиқиш юзасидан тегишли топшириқлар берилган эди, деди Ислом Каримов йиғилишни очар экан. Чуқур танқидий-таҳлилий хулосалар асосида тайёрланаётган Дастурда минтақаларда, айниқса, қишлоқ жойларда ана шу йўналишлар бўйича йилма-йил амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топиши керак.

Биринчи йўналиш — мактаблар, шу жумладан, бориш қийин бўлган ҳудудлар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини реконструкция қилиш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзили аниқ кўрсатилган режаларини ишлаб чиқиш, мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш каби масалаларни қамраб олади.

Бу йўналиш бўйича таҳлилларни баҳолар экан, Президентимиз, жойлардан билдирилаётган "энг маъқул ва яхши йўл — янги мактаблар қуриш, чунки эскиларини таъмирлаш қимматга тушади" қабилидаги айрим таклифларни чуқурроқ, атрофлича ўрганиш ва ўйлаб кўриш, шундан кейингина хулоса чиқариш кераклигини таъкидлади.

Ишлаб турган мактабларни реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жорий таъмирланадиган мактаблар қаторига киритиш учун аниқ мезонлар белгиланиши лозим. Авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига янгилари қурилиши даркор. Бунда мактабларни реконструкция қилишга оид бир хил типдаги лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Ислом Каримов аниқ лойиҳаларсиз қўл урилган ишнинг салбий оқибатига мисол сифатида Қамаши туманидаги мактабни эслатиб ўтди. Иш бошиданоқ аниқ лойиҳа мавжуд бўлмагани, бажариладиган ишлар ҳажми пухта белгилаб олинмагани учун бу ерда тўрт йил бурун зилзиладан зарар кўрган мактаб биносини тиклаш ишлари ҳалигача поёнига етгани йўқ.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш борасидаги ягона йўл — жойлардаги ҳар бир мактабнинг ҳолатини пухта ўрганиб, тарҳини чизиб, қайси турдаги лойиҳага мос келишини аниқлашдир. Шунда тегишли лойиҳа бўйича реконструкция қилиш учун қанча маблағ ажратиш кераклиги ва қандай кўламдаги ишларни бажариш тақозо этилиши ҳам ўз-ўзидан равшанлашади.

Ишни пухта, режали, ҳамма жиҳатларини тўла ҳисобга олган ҳолда бошлаш даркор, деди Юртбошимиз. Шундай экан, мактабларни муайян турлар бўйича таснифлаб, ҳар бир турдаги мактаб учун қатъий лойиҳа макетларини чизиб, меъморий ечимларини ҳал этиш керак. Албатта, намунавий лойиҳа муайян шарт-шароитга мослаштирилади.

Ислом Каримов мактаб таълимини ривожлантириш истиқболлари хусусида сўзлар экан, шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовутларни адолатсизлик, деб баҳолади. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик асосий мақсадлардан бири бўлиши зарурлигини уқтирди.

Намунавий лойиҳанинг яна бир афзаллиги — уларда хавфсизлик кафолати мавжуд эканидир. Давлат интизомига қатъий амал қилган ҳолда яратилган лойиҳалар бўйича қурилган мактабларда, айтайлик, табиий офат туфайли бирон-бир ҳалокат содир бўлса, тегишли мутасаддилар жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Давр ва ислоҳотларимиз талабларидан келиб чиқиб жорий этишга киришаётган ушбу ишларимиз миқёси лицей ва коллежлар қурилишига нисбатан анча кенг ва кўламлидир, — деди давлатимиз раҳбари. — Фарзандларимиз таълим ва тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган бу саъй-ҳаракатларимиз миллатимизнинг, халқимизнинг буюк келажагини ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлардир.

Фармойишда белгиланган иккинчи йўналиш — мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш борасида сўзлар экан, мамлакатимиз раҳбари бу ишлар қурилиш ва таъмирлаш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш — Фармойишда қайд этилган учинчи йўналишдир.

Мактаб таълими тизимидаги эски стандартлар ҳалигача кўриб чиқилмаган, деди Президент. Соҳа бўйича мавжуд меъёрларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, ўрганиб чиқиш, муайян қисмини янгилаш, кераксизларини бутунлай бекор қилиш даркор.

Янги меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда шундай жиҳатлар ҳисобга олиниши керакки, ҳар бир ўқитувчи, таълим соҳаси ходими бола тимсолида шахсни кўрсин, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши борасида ўзининг масъул эканини доимо ҳис этиб турсин.

Тўртинчи йўналиш — умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашдир. Педагоглар таркиби сифатини яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини янада рағбатлантириш мактаб таълимини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ишлар тўла-тўкис амалга оширилса, аввало, педагогикага оид ўқув юртларини битириб бошқа соҳаларга ишга кетиб қолаётган мутахассислар мактабга қайтади. Ўз навбатида, ўқитувчиларнинг масъулияти ортади, ишига рағбати кучаяди. Бу эса ёшларимизни турли оқимларга қўшилиб қолишдан асрайди, уларни фойдали ишга жалб этишда, демакки, эл-юрт учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия — ўзаро узвий боғлиқ шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Бугун мактаб ўқувчиларининг нафақат жисмоний, балки маънавий камолоти ҳам спортга бевосита боғлиқ эканидан халқимиз яхши хабардор, деди Юртбошимиз бешинчи йўналиш — мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб. Бу борада амалга ошираётган кенг миқёсли ишларимизни ҳамма кўриб турибди ва маъқулламоқда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурларимизни изчил амалга оширишда давом этишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари юқорида баён этилган улкан ҳажмдаги, ниҳоятда салмоқли ишларни бажариш учун молиявий манбаларни аниқ белгилаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш келажакда мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш ва замон даражасига мос тарзда юксалтиришга хизмат қилади.

Олдимизда бир-икки йилни эмас, балки неча ўн йил илгарини ўйлаб қилиниши лозим бўлган ғоят масъулиятли вазифалар турибди, деди Юртбошимиз пировардида. Бу ишларни ҳар томонлама пухта ва режали асосда ташкил этишимиз керак. Умуммиллий аҳамиятга молик ушбу ишларимиз 5-6 йилдан сўнг ўз самарасини беришига ишонаман. Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

Юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида буюк келажак барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган халқимизнинг мактабларимиз аҳволини тубдан ўзгартиришга, бу борада ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасликка қаратилган бундай хайрли саъй-ҳаракатлари тез орада юксак самара беришига шак-шубҳа йўқ.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## *Вилоят Кенгаши сессияси*

Кеча халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Т. Қодиров бошқарди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқида белгиланган вазифалар ҳамда Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномаси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар Юртбошимиз нутқида таъкидланган вазифаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, воҳа аҳлини огоҳликка, ҳушёрликка, терроризм ва жиноий экстремизмга қарши курашишга даъват этдилар.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссияси раиси А. Маматмуродовнинг мазкур комиссия иши ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Маърифат соати*

## Китоб бор, китобхон етарли, аммо...

Бозор ўз номи билан — бозор. Уни рақобатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Яхши мол харидорини топади, сифатсизи четга чиқиб қолаверади. Хўш, китобхонлар қўлига бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар етиб боряптими? Нега, китоб дўконларининг пештахталари хом-хатала ёзилган, бадиийлиги ҳаминқадар асарлар билан тўлиб-тошмоқда. Ачинарлиси, бундай нохуш манзарага нашриёт ҳам жавоб бермайди, икки оғиз сўз билан ўзини масъулиятдан соқит қилиб қўйган: "Асарнинг бадиий савиясига муаллиф масъул". Уларга беҳуда сарфланаётган маблағ, қоғоз, осмонга учаётган меҳнат ҳақида ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди. Асосийси, бундай "қўлбола" китобларни кўпайтириш билан адабиёт оламини нурсизлантириб қўймаяпмизми? Айниқса, бу борада хусусий нашриётлар «жонбоз»лик қилишмоқда. Пул билан китоб чиқариб, адабиёт яратиб бўлмайди-ку!

Мустақиллик туфайли собиқ шўролар даврида тақиқланган, ёқилган, кўмилган асарлар қайта чоп этилди, этилмоқда. Бироқ уларни китобхонлар қўлига етказиб бериш масаласи муаммо. Кутубхонага борасиз, янги китоблар етиб келмаётганидан шикоят қилишади... Нашриётдагилар эса, чоп этган китоблари билан омборхоналари лиқ тўлганлигидан нолишади. Демак, мантиқан олиб қаралганда, китоб ҳам китобхон ҳам етарли. Унда масаланинг ечими қаерда? Айримлар бу саволга бир томонлама, осонгина жавоб беришади: «Одамлар китоб ўқимай қўйишди!» Йўқ. Бизнингча, жойлардаги кутубхоналар етарли фаолият кўрсатмаяпти, кўпчилигига қулфлар урилган. Туманларда ягона бўлган китоб дўконлари озиқ-овқат, саноат, ҳатто арoқ-вино билан савдо қилувчи «мини-маркет»ларга айлантириб юборилди. Ўқувчи билан китобхон ўртасидаги восита-занжир бўшаб кетди. Натижада китоб ўз эгасига етиб бориши муаммога айланди.

Келинг, шу ўринда Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги аҳвол қандайлигига диққатимизни қаратайлик.

(Давоми 2-бетда).




# Нарпай — Хатирчи — Навбаҳор

Самарқанднинг Нарпай, Навоийнинг Хатирчи ва Навбаҳор туманлари деҳқончилик борасида иқлим ва жуғрофий жиҳатдан деярли бир хил шароитга эга. Ерлари унумдор, одамлари меҳнаткаш. Зарафшон дарёси ва Наҳрипай канали обиҳаётидан ҳаммаси бирдек баҳраманд.

Хўш, бир хил шароитда учала туманда бугун қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликда аҳвол қандай? Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилаяптими?

Бу йўналишда энг аввало, Нарпай тумани пахтакорларининг қўшниларига нисбатан анча илдамлаб кетганини алоҳида таъкидлаш лозим. Пахта тайёрлашда Нарпай ҳар йили пешқадам. Вилоятдагина эмас, мамлакат миқёсида ҳам ғолиблар сафида бораётир.

Ўтган йили ҳам шундай бўлди. 11700 гектар майдонда деҳқончилик қилган туман пахтакорлари ҳар гектар ердан 28 центнерга яқин ҳосил олишди. Ялпи хирмон 32 минг тоннадан ошди. 6,5 миллиард сўмдан ортиқ даромад олинди. Бу — 2002 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2 миллиард сўм кўп. Ҳосилнинг 86 фоизи биринчи, 6 фоизи иккинчи навларга қабул қилинганининг самараси бу!

Эришилган ютуқларни туман ҳокими Акбар Жамилов шундай изоҳлайди:

— Иқтисодий ислоҳотлар мақсадини деҳқонларимиз тўлиқ англаб етди. Юртбошимизнинг пахтачиликка оид фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида иш юритиш, уларнинг ижросини амалда таъминлаш борасида ҳаракатлар кучайтирилди. Ҳаммасидан ҳам, ўтган йили пахта харид нархининг кескин оширилгани деҳқонларимизнинг меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Фермерлар ишида жонланиш сезилди. Ерни экишга тайёрлашдан тортиб, то ҳосил пишиб етилгунга қадар барча агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилди. Вилоят ҳокимлигининг бевосита ёрдами туфайли зарур эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит етарли миқдорда етказиб берилди. Бундан ташқари, йил мобайнида ҳар гектар майдонга ўртача 5-6 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилди.

Дарвоқе, олти йилдан буён вилоятда ғолибликни қўлдан бермай келаётган туманда ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсуми ниҳоятда уюшқоқлик билан ташкил этилди. Йил давомида пахтакорларга 936 миллион 900 минг сўм нақд пул берилди. Унинг 902 миллион сўми терим даврига тўғри келди. Қолаверса, теримчилар мунтазам рағбатлантириб борилди.

Меҳнат муваффақиятлари, табиийки, деҳқонлар манфаатдорлигининг ошишига, туман иқтисодиётининг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Қишлоқлар ободончилиги аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига йўл очди.

Кейинги икки йилда пахтачиликда туб бурилиш ясаган нарпайликлар жорий йилда ҳам эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ғайрат кўрсатишаяпти. 11780 гектар майдонга чигит қадаш режалаштирилганди. Ана шу тадбир ўтган йилдагига нисбатан анча барвақт якунланди. Эндиликда чигит униб чиққан майдонларда парвариш авжида.

— Ўтган йили мавжуд 680 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,5 центнердан ҳосил олдик, — дейди Улуғбек номли ширкат хўжалиги раиси Латиф Иноятов. — Соф фойда 69 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг 9 миллион сўми ширкат аъзоларига дивиденд сифатида берилди. Даромад ҳисобига уч йилда 10 та янги техника ҳам сотиб олдик.

Хўжаликнинг Бегат Раҳимов бош пудратчи бўлган жамоасида бу йил 2,5 гектар ерга синов тариқасида парник услубида чигит экилибди. Янгилик маҳсули — ғўзалар апрелнинг охиридаёқ уч-тўрттадан барг ёзибди. Далага ишлов беришга, культивация қилишга ҳам эришилибди.

Муртазо Шопиев номли хўжалик майдонлари шароити эса бир оз мураккаброқ. Сабаби — ер тўлиқ насос орқали суғорилада. Аммо қийинчиликларга қарамай, хўжаликда борйўғи 11 иш кунида чигит экиш тугалланди. Ҳозиргача 90 фоиз майдонда чигит униб чиққанлиги, айниқса, қувончлидир.

Демак, Нарпайда бу йил ҳам пахта мўл бўлади, азалий анъаналар давом этади.

Қўшни вилоят — Навоийнинг Хатирчи ва Навбаҳор туманларида эса пахтачиликда иқтисодий ислоҳотлар анча суст амалга оширилмоқда. Масалан, Хатирчида кейинги уч йил мобайнида, Навбаҳорда эса кетма-кет икки йил пахта тайёрлаш бўйича белгиланган шартнома режалари барбод этилди. Хатирчида 2001 йилда 37 минг тонна пахта етиштирилиши режалаштирилган эди. Аммо ялпи ҳосил 32806 тоннадан ошмади. Йиллик режа 88,7 фоизда қолиб кетди. Натижада мавжуд ширкат хўжаликлари бўйича 41 миллион сўм зарар кўрилди. 2002 йилда белгиланган давлат буюртмаси 90,7 фоиз, 2003 йилда эса 81,2 фоизга удданди, холос.

Ана шу йилларда мутахассис ва раҳбарлар таъбирича, том маънода эркинликка эга бўлган фермерлар ишида фақат ортга кетиш кўзга ташланди. Фикримизнинг исботи сифатида рақамларга мурожаат этайлик:

2001 йилда мавжуд 208 та фермер хўжалиги 1233 гектар майдонда пахтачилик билан шуғулланди. Шартномада кўрсатилган 3550 тонна ўрнига 3572 тонна пахта тайёрланиб, режа бажарилди.

2002 йилда эса фермерлар сони 493 тага етди. Уларга ажратиб берилган ер майдони 2904 гектарни ташкил этди. Фермерлар шартнома режаси бўйича 8384 тонна пахта тайёрлаши лозим эди. Аммо етиштирилган ҳосил 7875 тоннадан ошмади. Бу белгиланган режанинг 94 фоизига тенг эди.

Айниқса, 2003 йилги натижа эса бундан-да пастроқ бўлди. 674 та фермер хўжалиги 4810 гектар майдондан шартномада кўрсатилган 12469 тонна ўрнига 10591 тонна ҳосил топшириш билан чекланди. Бу шартномавий режа 85 фоизда қолиб кетди, дегани.

Кўриниб турибдики, туманда фермер хўжаликлари сони ва уларга ажратиб берилган ер майдонлари қанчалик кўпайган бўлса, ялпи ҳосил ҳам шунга монанд ҳолда пасайиб бораверган. Бу ниманинг натижаси? Албатта, бу ернинг деҳқончилик илмидан бехабар, тасодифий кишиларнинг қўлига тушиб қолиши, туманда фермерчилик ҳаракатининг ташкилий жиҳатларининг ҳис этилмаганининг оқибатидир.

Масалан, тумандаги «Бекзод-21» фермер хўжалиги раиси Илҳомиддин Йўлдошев қаторасига уч йил шартнома режасини уддалай олмади. Пировардида туман ҳокимининг 2000 йил 20 декабрдаги К-940-сонли қарорини бекор қилиш ҳамда фермер хўжалиги томонидан ижарага олинган ерни қайтариб олиш юзасидан, Навоий вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, шундай камчиликларга йўл қўйган яна 11 та фермер хўжалиги ерларини қайтариб олиш ҳақида ҳам ҳокимлик судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суд мажлисида даъволарда кўрсатилган фактлар тўлиқ исботини топди. Ижарага олинган ер майдонларини 12 фермердан ҳам қайтариб олиш ҳақида хўжалик судининг ҳал қилув қарори чиқди.

Навбаҳор туманида ҳам йилдан-йилга фермерлар сони кўпайиб бораяпти. Экин майдонларининг 87 фоизи фермерлар тасаррруфида. Бугунги кунда туманда 667 фермер пахтачилик билан шуғулланаяпти. Аммо фермерлар 2001 — 2002 йилларда пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режаларини бажара олмадилар. Режа мутаносиб равишда 88 ва 91 фоизда қолиб кетди. Фақат улар ўтган йили ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришдилар. 6212 гектар майдондан 17853 тонна ўрнига 18326 тонна ҳосил йиғиб олинди.

Лекин бу туманда пахта тайёрлаш режаси бажарилди, дегани эмас. Қанчалик ҳаракат қилинмасин, мўлжалдаги 26660 тонна ҳосил тўпланмади. Қайта ишлаш корхоналарига Навбаҳорнинг 24595,1 тонна пахтаси топширилди, холос.

Туманда пахтачилик борасидаги қолоқликларни бартараф этиш йўллари изланаяпти, албатта. Жумладан, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилаяпти. Ҳозиргача ана шундай ночор хўжаликлардан 10 тасининг ери ишнинг кўзини биладиган фермерлар ихтиёрига ўтди.

— Хатирчида ҳам, Навбаҳорда ҳам пахтачиликда жиддий хатоликларга йўл қўйилди, — дея изоҳ беради Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ғафур Алиев. — Қатор йиллар режа бажарилмаслигининг бош сабаби, албатта, ерга, меҳнатга эътиборсизлик. Ва яна фермерларга хизмат кўрсатиш соҳасида анчагина мураккабликлар юзага келганида. Айниқса, бу ёнилғи-мойлаш материаллари ва ўғит таъминотида яққол сезилди. Мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишга ҳам эришилмади. Ўтган йили Навбаҳор туманида айнан шундай вазият юзага келганидан кўз юмолмаймиз.

**ёнма-ён туманларда натижа ҳар хил бўлишига сабаб нима?**

Республика ҳукуматининг эътибори туфайли бу йил вазият ўзгармоқда. Чигит экиш мавсумида ҳар бир сеялкачи учун 70 минг сўмдан пул берилиши, уч ой ичида транш орқали 4 марта иш ҳақига пул ажратилгани пахтакорларимиз кайфиятини кўтарди. Устига устак, нефть, минерал ўғит ва бошқа ресурслар таъминоти кескин яхшиланиши деҳқон меҳнатини анча енгиллаштирди. Шу туфайли ҳам, вилоятимизда чигит экиш ўтган йилдагига нисбатан 15-20 кун аввал якунланди.

Албатта, чигитнинг униб чиқиши ва ғўза ривожи ҳам шунга яраша. Лекин кимнинг қай даражада ишлагани натижаси кузда, ғалвир сувдан кўтарилганда аён бўлади.

Эҳтимол, ҳамиша илғорликни қўлдан бермаётган нарпайликлар сафидан бу йил Хатирчи ва Навбаҳор пахтакорлари ҳам жой оларлар...

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Китоб бор, китобхон етарли, аммо...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътироф этиш жоизки, республикада китоб ва китобхонлик борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тахиатош шаҳри ҳокимлиги ташаббуси билан эллигинчи йилларда қурилган, нураб кетиш арафасига келиб қолган кутубхона энг шинам, замонавий бинога кўчирилди. Бундан китобхонларнинг ҳам, бино мутасаддиларининг ҳам қувончи бир олам.

— Янги бинога кўчиб ўтган кунимиз байрамга айланиб кетди, — дейди кутубхона раҳбари Гулфан Даулетназарова. — Фаолиятимиз янада яхшиланди. Китобхонлар сони кескин ўсди.

Нукус туманидаги "Қўтонкўл" ширкат хўжалигида бу борада амалга оширилган иш ҳам эътиборга молик. Ширкат раиси Сарқитбой Шектибоев бу ишнинг тепасида турди. 10748 нусха китобга эга бўлган кутубхона янги бинонинг эгаси бўлди. Бу жой қишлоқ аҳлининг энг севимли масканига айланди.

Республикада Маданият ишлари вазирлигига қарашли 443 та кутубхона бор. Уларнинг 340 таси қишлоқларда жойлашган. Мазкур зиё масканлари 4,5 миллион нусха китоб заҳирасига эга бўлиб, 331 минг 423 нафар ўқувчи уларнинг беминнат хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Аммо кутубхоналар мижозлар эҳтиёжини тўлиқ қондира оляптими, улар учун етарли шарт-шароит яратилганми? Бу саволга жавоб бериш бир мунча мушкул. Чунки ўтган йили мавжуд кутубхоналар 9230 дона китоб олди. Буни кутубхоналар сонига тақсимласак, бу борада катта ишларни амалга ошириш зарурлиги кўринади. Хўжайли, Элликқалъа, Шуманай, Тахтакўпир туманларида кутубхоналар ишига бирқадар масъулият билан ёндошиляпти дейиш мумкин. Аммо Қўнғирот туманидаги зиё масканлари 2003 йилда бирор нусха ҳам китоб харид қилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Кутубхона биноларининг аксарияти эскирган, замон талабларига жавоб бермайди. Китобхонлар учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Нукусдаги Республика марказий ҳамда болалар кутубхоналари бир неча йилдан буён "бегона" бинода, ижарада туради. Бу масалага кўп бора раҳбар ташкилотларнинг диққати қаратилди, аммо ижобий натижага ҳанузгача эришилгани йўқ.

Кун тартибида турган яна бир муҳим масала — газета ва журналларнинг кутубхоналарга етиб бориши масаласи. Янги адабиётлар эҳтиёжга яраша етиб бормаса, лоақал халқимиз вақтли матбуот орқали бугунги ҳаётдан, адабиётдан санъатдан, маданият янгиликларидан хабардор бўлиб туриши керак-ку! Минг эшитгандан бир кўрган, ўқиган афзал дейдилар. Аҳолининг маънавиятини оширишда газета-журналлар аҳамиятининг муҳимлиги ҳаммамизга кундай равшан. Шу боисдан, ушбу масала ҳар бир ҳоким, қишлоқ оқсоқолининг диққат марказида бўлса. Ҳокимлик, турли жамғармаларнинг кўмаги, бюджет маблағлари, ҳомийлик ёрдамлари ҳисобидан ҳар бир кутубхонада энг камида 5-6 номдаги газета ва журналларга обуна уюштирилса.

Кутубхона биноларини таъмирлаш, қайта қуриш, жиҳозлаш ишларини ҳам ҳокимлик қилиб бериши керак деб қараб ўтирмаслик керак. Уларга кенг жамоатчиликни, ҳомий ташкилотларни жалб этиш лозим. Керак бўлса оммавий ҳашарлар уюштириш мақсадга мувофиқ.

Мулоҳазаларимизни ўртоқлашишдан мақсад битта: Қорақалпоғистондаги мутасаддиларни, республикамиздаги вилоят, туман ҳокимлари эътиборини ушбу муҳим масалага қаратиш. Бизнингча, китоб ва китобхонлик масаласи бошқа юмушлар соясида қолиб кетмаслиги керак. Чунки халқимиз адабиётни, санъатни севади. Китоб билан яқинлашишни нур билан яқинлашиш дейишади. Шу боисдан кутубхонани нурхонага ўхшатишади. Уларнинг фаолиятига ғамхўрлик қилиш нафақат мутасаддиларнинг, балки ҳаммамизнинг диққат-эътиборимизда турса, халқимизни китоб, газета-журналларга — нурга шунчалик ошно қилган бўламиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Жарқўрғон тумани пиллакорлари 122 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси тайёрлаб, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажардилар.***

# «Кумуш тола» хирмони

Айниқса, туманнинг Т. Шобуров номли, «Халқобод», Алишер Навоий номли ширкат хўжаликларининг Ж. Норгулова, О. Жумаева, М. Юсупова сингари моҳир пиллакорлари ҳар қути қурт уруғидан 85-90 килограммдан қимматбаҳо хомашё етиштирдилар. Туманда пилла топшириш давом этмоқда.

Туман меҳнат аҳли мавсумда 127 тонна «кумуш тола» етказиб бериш ниятида.

**Ўз мухбиримиз.**

# *Меҳр қолур...*

*Қадр бу — ҳиммат дегани, қувват дегани. Чунки киши кексайиб қолганида ёр-биродарларининг бир оғиз ҳол сўрашидан ҳам белига мадор, кўзига нур инади. Бундай чоғда одамлар орасида қадр-қимматинг борлигидан, меҳнатинг зое кетмаганлигидан шукроналар айтгинг келади. Ангор туманилик меҳнат фахрийси, 1-гуруҳ ногирони Мирзо Муродовни эшик очилиб, кимдир йўқлаб келганида боши кўкка етади. Қувонганидан "Яратганнинг ўзи касби-корингизга барака, тан-сиҳатлик берсин", дея дуога қўл очади. Юртга тинчлик, фаровонлик сўрайди. Туманда кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Масалан, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими томонидан шу йилнинг ўзида ногиронларга 14 та аравача берилди.*



**СУРАТДА: туман ҳокими ўринбосари Фаҳриддин Менглиев, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раҳбари Рустам Азимов ҳамда Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Мусахон Баҳромов Мирзо ота ҳузурида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

"Халқ сўзи" назоратида



***"Тамаки даромадли экинми?" ("Халқ сўзи", 25 декабрь, 2003 йил) сарлавҳали мақолада техника экинлари оиласига мансуб бўлган тамаки етиштиришнинг кечаги ва бугунги аҳволи, бу борадаги муаммолар таҳлил этилган эди. Мазкур мақола юзасидан келган расмий жавобда шундай дейилади:***

# Таклифлар берилди

"1994 йилда Ургут тамаки ферментлаш заводи негизида «Бритиш Америкaн Тобакко» Ўзбекистон қўшма корхонаси Ургут филиали ташкил этилди. Ўтган йилларда етиштирилган тамаки хом ашёси ушбу қўшма корхонадан ташқари "Ўзозиқовқатсаноат" уюшмаси, "Ургут яшил олтини" масъулияти чекланган жамияти ва бошқа тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга сотиларди. Шунинг учун тамаки хариди билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида тамаки харид баҳоси бўйича рақобат мавжуд эди.

Лекин кейинги йилларда ушбу уюшма корхоналари томонидан тамаки барги харид қилинмаётганлиги натижасида "ЎзБАТ АЖ" қўшма корхонаси тамаки харид қилишда якка ҳокимликни қўлга олмоқда. Бунинг оқибатида соҳада рақобат йўқолиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, истеъмол товарлари нархи ошган бир пайтда тамакининг харид нархи қисман ошди. Бу ҳол ва хом ашёнинг паст навларга сараланиши тамаки етиштирувчи пудратчиларни қониқтирмаслиги оқибатида туманда кам тамаки етиштирилди.

Пудратчини тамаки етиштиришга қизиқтириш, моддий манфаатдорлигини ошириш тамаки харид баҳоларини кўтариш йўли билан ҳал қилинади. "ЎзБАТ АЖ" қўшма корхонасига тамаки харид баҳосини ошириш бўйича таклифлар берилган. Мамлакатимизда етиштирилаётган тамакининг эллик фоизини "ЎзБАТ АЖ" қўшма корхонасига бериш, қолган қисмини эса эркин сотишни амалга ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Мазкур масаланинг ҳал қилиниши тамаки хом ашёсини сотишда рақобатнинг вужудга келиши ва харид баҳосининг ошиши имкониятини яратади, деб ҳисоблаймиз.

**Х.НУРУЛЛАЕВ,**
**Ургут тумани ҳокими".**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддаси ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига асосан амалдаги банк қонунчилиги талабларини бузганлиги ҳамда банк капиталини қонунчиликда белгиланган миқдорга етказмаганлиги сабабли «Истиқболбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банкидан (Андижон ш.) банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олди.

# Ҳалол тадбиркорнинг йўли очиқ

Солиқ ҳаёти



***Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари яқиндагина бозорлар бўйлаб рейд ўтказиб, акциз маркасисиз бир талай спиртли ичимликларни йиғиштириб олгандилар. Афсуски, бугун қўлбола ароқлар яна пайдо бўлиб қолибди. Улар қаердан келаяпти ўзи?***

***Бу саволга навбатдаги рейдда жавоб топилди. Тадбирга ички ишлар бўлимининг йўл-патруль хизмати ходимлари ҳам жалб этилдилар. Улар зиммасига шаҳарга кириб келаётган ҳар бир машина юкхонасини текширувдан ўтказиш вазифаси юклатилди.***

Текширув жараёнида рейд қатнашчилари эътиборини «Истиқлол» кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётган «ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами 15 К 54 26 бўлган автомашина тортди. У тўхтатилиб, тезкор кўрикдан ўтказилганида, ажабтовур қўлбола арок цехига айлантирилгани маълум бўлди. Юкхонага 45 литр спирт, 5133 дона қопқоқ, 2050 дона қалбаки акциз маркаси ва бошқа воситалар жойланган эди. Икки бидон оддий сув ва ювилган бўш шишалар бўлса, бас, шу ернинг ўзида қўлбола арок тайёрлаб чиқараверса бўларди.

Солиқчилар тадбиркорликнинг тақиқланган тури билан шуғулланишга бел боғлаган фуқаро М. Қаноатовага бир зум ачиниш билан қараб қолдилар. Чунки бу ишнинг охири вой эди. Яхшиям, солиқчилар ҳушёрлик кўрсатиб навбатдаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиб қолдилар. Хиёл бепарволик қилганларида борми, юкхонадаги спирт эртага қўлбола арок бўлиб яна бозор пештахталарини эгаллarди, одамларни заҳарлаб, бирини кўр, бирини шол қиларди.

Кейинчалик рейд манзили шаҳар Темир йўл шоҳбекатига кўчди. «Қўқон-Наманган» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поезд вагонлари кўздан кечирилганда, Наманган тумани Ғирмон қишлоғида истиқомат қилувчи Ф. Ҳасанов ҳар хил сиғимли 24 та идишда 134,5 литр спирт олиб кетаётгани ошкор бўлди. Уни пулга чақсангиз, 230 минг сўмдан кам бўлмайди. Бу спирт ҳам қўлбола арок тайёрлашга мўлжалланган экан.

Ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган ҳужжатсиз спиртдан қўлбола арок тайёрлаб сотиш ҳолатлари бошқа туман ва шаҳарларда ҳам кўзга ташланмоқда. Бу операциядан фақат бир гуруҳ сохта тадбиркор ва тижоратчи наф кўраяпти. Яширин даромаддан бир сўм ҳам бюджетга тушмайди. Шу боис ҳуқуқбузарлар пайини қирқиш, уларга нисбатан қонуний жазо чораларини қўллаш давр талаби бўлиб турибди.

Яқинда Нарпай туман ДСИ ходимлари «Мирбозор» бозорида рейд ўтказаётиб, фуқаро Ч. Бойқодированинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйдилар. У акциз маркасисиз 154 шиша қўлбола ароқни очиқ савдога чиқарган эди. Солиқ хизмати ходимлари хушёрлик қилишмаганида сохта тадбиркор қўлбола ароқлар орқасидан бир зумда 135 минг сўм даромад оларди. Лекин бу гал омади юришмади. Қўлбола ароқлар далилий ашё сифатида олиниб суриштирув ишлари бошланди.

Рейд давомида Каттақўрғон шаҳар, Машраб кўчаси 72-уйда ишлаб турган яширин арок цехи фаолияти тўхтатилди. Хонадон соҳибаси Д. Ниёзова бу ерда спиртли ичимликлар тайёрлаб сотишни кенг йўлга қўйиб юборганди. Солиқчилар цехга кириб келишганида турли хил ёрлиқли ва қалбаки акциз маркали 33 шиша арок ўз харидорларини кутиб турарди. Ароқлар ёнидаги қоғоз қутилар қопқоқларга, қалбаки акциз маркалар ва турли хил ёрлиқларга тўла эди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олиниб, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқароларнинг қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлаб сотиши, тадбиркорликнинг тақиқланган турлари билан шуғулланиши Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 майдаги «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумларни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 221-сонли қарори талабларига мутлақо зид эканлигини эслатиб қўймоғимиз керак. Агар ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, марҳамат, бунинг учун ҳамма йўллар очилган. Ўзингиз яшаб турган шаҳар ва туман ҳокимликларига, солиқ инспекцияларига, тегишли идораларга учрашсангиз, тадбиркорлик билан шуғулланиш қонун-қоидалари ҳақида тўла маълумот оласиз.

Жорий йилнинг ўтган ойларида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида расмий рўйхатдан ўтган фуқаролар сони 19 минг нафарга етиб қолди. Шундан 4,8 минг нафари аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш, 3,2 минг нафари эса маиший хизмат соҳасида ишлаш истагини билдирган эди. Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда якка тартибдаги тадбиркорлар сони 139,4 минг кишидан ошган. Улар йилнинг биринчи чорагида давлат бюджетига 7,6 миллиард сўмлик ҳисса қўшдилар.

Республикамизда солиқ базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ объектларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ишлари яхши йўлга қўйилаётгани учун ҳам йиғилаётган солиқ миқдори тобора ошиб бормоқда. Шу боис йилнинг биринчи чораги учун кутилаётган кўрсаткичлар республика бўйича 102,5 фоизга адо этилди. Бюджетга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 78,1 миллиард сўм ёки 23,4 фоиз кўп солиқ ва йиғимлар туширилди.

Солиқ хизмати ходимлари пенсия, нафақа ва иш ҳақининг ойма-ой тўлаб борилишини таъминлаш мақсадида нақд пул тушумларининг банк муассасаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатганлар. Шу мақсадда бозорлар, нақд пул билан ишловчи корхона ва ташкилотлар фаолияти мунтазам назоратда. Натижада февраль ойидаги савдо тушуми январь ойидагига нисбатан 9,6 миллиард сўмга ошди. Март ойида бу кўрсаткич январь ойидагига нисбатан 19,4 миллиард сўмга кўпайди.

Ўтган даврда солиқ хизмати ходимлари назорат тартибида 25,5 мингта қисқа муддатли текширув ўтказиб, 26,8 минг ҳолатда қонунбузарлик ҳолатларини аниқладилар. Шу жараёнда ноқонуний савдо қилинаётган акциз маркасисиз 85,5 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари, 215,6 миллион сўмлик спирт ва спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бундан буён ҳам сохта тадбиркорлар-у учар тижоратчиларнинг ҳоли вой бўлаверади, уларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди. Топган даромадим бола-чақамга, яхши кунларимга буюрсин, деган тадбиркор пок яшаб, ҳалол меҳнат қилишни ўзига одат қилиб олиши керак.

***Жасур НОСИРОВ,***
**Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**

# Олтилик учрашуви



Хитой пойтахти Пекин шаҳридаги «Дяоюйтай» ҳукумат резиденциясида Корея ярим оролида ядро муаммосини бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳининг олти томонлама музокаралари бошланди. АҚШ, КХДР, Хитой, Россия, Жанубий Корея ва Япония мамлакатларининг экспертлари Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича фикр алмашишмоқда.

Маълумки, Америка Қўшма Штатлари расмий Пхеньяндан ядровий дастурни амалга оширишни тўхтатиш ва уранни бойитиш амалиётларини назорат қилишга имконият яратишни талаб қилмоқда. Шимолий Корея эса бунинг эвазига Вашингтондан хавфсизлик кафолатлари ҳамда иқтисодий масалаларда кўмак беришни сўраяпти.

Кузатувчилар мазкур учрашувда АҚШ ва КХДРнинг муаммони бартараф этиш борасидаги қарашлари янада қатъийлашганига урғу беришмоқда.

Ишчи гуруҳининг учрашуви ХХРнинг Шимолий Корея ядро муаммоси бўйича элчиси Нин Фукун раислигида ўтказилмоқда. АҚШ делегациясига КХДР билан алоқалар бўйича махсус вакили Жозеф Дитрани бошчилик қилаётир.

Музокаралар қанча вақт давом этиши аниқ эмас, аммо мутахассислар у беш кунга яқин бўлишини тахмин қилишаяпти.

# Афина Олимпиадага тайёрми?



Сўнгги пайтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида Афинада шу йилнинг август ойида бошланадиган Олимпиада — 2004 ўйинларига тўлиқ тайёр эмас, деган хабарлар пайдо бўлди.

Душанба куни Халқаро Олимпия Қўмитаси инспекторлари Грецияга ташриф буюриб, ана шу масалани ўрганишди. Унинг натижаларига кўра, Афинада ўйинларга ҳозирлик кўриш ишлари қониқарли даражада экан.

Афинага келишган ХОҚ вакиллари жойлардаги ишлар билан танишдилар. Текширувлардан кейин улар шаҳардаги барча спорт иншоотлари Олимпиада — 2004 бошланишига қуриб битказилишини таъкидлашди.

ХОҚ вакилининг Би-би-си мухбирига берган интервьюсида айтилишича, айни пайтда ўйинларга тайёргарлик кўриш ишлари анча жадаллашган.

Бундан ташқари, ХОҚ вакилларини Олимпиада ўтказиладиган асосий стадионнинг томи ҳам ташвишлантираётган эди. Сўнгги кунларда ушбу муаммо ҳам бартараф этилди.

Бироқ экспертлар қурилиш ишларини юқори суръатларда олиб бориш зарурлигини таъкидлашмоқда. Афина олимпиадаси ташкилий қўмитасининг раҳбари Иоанна Ангелопулос ўйинларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун барча ҳамкасблари билан куну тун меҳнат қилишга тайёр эканини билдирди.

**Сурайё ТУРСУНОВА,**
**ТДЮИ талабаси.**

## Навбатдан ташқари сайловлар

***Хабарингиз бор, Грозниййда 9 май куни содир этилган террорчилик оқибатида Чеченистон республикаси президенти Аҳмад Қодиров ҳалок бўлганди. Шу муносабат билан Россия Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков Чеченистон навбатдан ташқари президент сайловлари ўтказишга тайёр эканини билдирди.***

***Вешняков Москвада ўтказилган матбуот анжуманида бу мавзуда Чеченистон сайлов комиссияси раиси билан суҳбатлашганини таъкидлади.***

***Чеченистонда навбатдан ташқари президент сайловлари бўлиб ўтадиган кун яқин икки ҳафта ичида маълум қилинади.***

## Сурияга иқтисодий санкциялар жорий қилинди

***АҚШ президенти Жорж Буш Сурияга нисбатан иқтисодий санкциялар жорий қилинишини билдирди. Бунга мазкур мамлакатнинг халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлаши ва Ироққа ушбу давлатдан жангарилар киришининг олдини ололмаётгани сабаб бўлди.***



***Бундан буён АҚШ ушбу мамлакатга озиқ-овқат ва дори-дармонлардан ташқари барча маҳсулотлар экспортини тўхтатади. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги банк алоқалари ҳам чекланади.***

## Фитначилар қидирилмоқда

***Венесуэла полицияси яқинда мамлакатда давлат тўнтариши уюштирмоқчи бўлган шахсларни ҳибсга олиш учун кенг кўламли амалиётлар ўтказаётир. Бундан бирмунча вақт илгари Каракаснинг жанубий қисмида жойлашган уйлардан бирида 88 нафар жангари қўлга олинган эди. Ҳозирги амалиётлар давомида полициячилар жиноятга дахлдор яна 12 кишини ушлашди.***

## Қутқарув ишлари давом этади

***Шотландиянинг Глазго шаҳридаги пластмасса ишлаб чиқариш фабрикасида юз берган портлаш оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони тўрт кишига етди. Фожиа натижасида 37 киши жароҳатланди.***

***Маҳаллий ўт ўчирувчилар хизмати вакили Брайан Суинининг айтишича, айни пайтда вайрона остида қолганларни қутқариш ишлари давом этмоқда.***

***«Рейтер» ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳозир портлаш сабаблари ўрганилмоқда.***

## Ғазо сектори қисмларга бўлинди

***Исроил қўшинлари Ғазо секторини уч қисмга бўлди, деб хабар беради Ha"aretz газетаси.***



***Маълумотларга қараганда, исроиллик ҳарбийлар ҳудудда «Кассам» ракеталари ясайдиган корхоналарни излаб топиш бўйича ҳам махсус амалиётлар ўтказган. Натижада бешта шундай корхона йўқ қилинган.***

***Ўтган куни фаластинликлар Исроил аскарлари кетаётган зирҳли автомобилни портлатиб юборишганди. Унинг оқибатида олти нафар ҳарбий ҳалок бўлди.***

## Филиппин шимолидаги тўқнашувлар

***Бир гуруҳ жангариларнинг Филиппин шимолидаги иккита шаҳар маъмурияти биносига ҳужум уюштириши натижасида бир полициячи ўлдирилди. Бундан ташқари, ушбу шаҳар маъмуриятларида мамлакатда душанба куни бўлиб ўтган президент ва парламент сайловларининг бюллетенлари ёқиб юборилган.***

***Сўнгги хабарларга кўра, президент сайловларида амалдаги давлат раҳбари Глория Арройо 41 фоиз овоз билан олдинда бормоқда. Унинг рақиби Фернандо По ҳозирча 32 фоизга эга. Аниқ натижалар бир ой ичида маълум бўлади.***

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## *Канн кинофестивали бошланди*

Франциянинг Канн шаҳрида 57-кинофестиваль ўз ишини бошлади. Кино оламида катта нуфузга эга ушбу анжуманга бу сафар машҳур режиссёр Квентин Тарантино раислик қилаяпти.



Кинофестивалда қатнашиш истагида бўлганларнинг сон-саноғи йўқлигига қарамай, мазкур анжуман учун фақат 18 та фильм танлаб олинди. Мутахассислар Вонг Кар-Вайнинг «2046», Майкл Мурнинг «Фаренгейт бўйича 911» ва Че Геваранинг Жанубий Америка бўйлаб саёҳатига бағишлаб Вальтер Саллес томонидан яратилган «Мотоциклчининг кундалиги» фильмлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотишини башорат қилишмоқда. Шунингдек, кинофестивалда «Шрек-2» ва «Гуноҳсизлик» анимацион фильмлари ҳам намойиш этилади. Шу билан бирга, киноанжуманда аввалги йилларда олинган фильмларга ҳам ўрин берилган. Масалан, 1964 йили Бернардо Бертолуччи томонидан суратга олинган фильм ана шулар сирасига киради.

Фестиваль таниқли кинорежиссёр Педро Альмодоварнинг танловдан ташқари кўрсатилаётган «Тарбиясизлик» фильми билан очилди.

Ташкилотчилар ўн кун давом этадиган мазкур киноанжуман хавфсизлигига катта эътибор қаратишди. Айни пайтда мингдан зиёд полициячи кинобайрамнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш учун жалб қилинган.

## Қочқинлар ҳуқуқи кафолатланади



***Европа Иттифоқига аъзо бўлишга ҳаракат қилаётган Хорватия ҳукумати мамлакатда яшаётган сербларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини билдирди. Уларнинг кўпчилиги Сербия ва Хорватия уруши тугагач(1995 йилда) мамлакатга қайтиб келиб, илгари яшаган Серб Краинаси ҳудудига жойлашишганди.***

***Хорватия Бош вазири Иво Санадер бошқа серб миллатига мансуб қочқинларни ҳам ўз ерларига қайтиб келишга чақирди. Мамлакат ҳукуматининг берган маълумотига кўра, айни пайтда Хорватияга 110 минг серб қочқинлари қайтишган. Яна 15 минг нафари ўз мамлакатига келиб яшаш истагида.***

## Биз ёлғиз эмасмиз...

***Мексика ҳарбий ҳаво кучлари мамлакат осмонида учиб юрган 11та номаълум учар объектлар туширилган 15 дақиқалик видео тасмани намойиш этишди.***

***Видео тасмада милтиллаб, тезлик билан ҳаракатланаётган обеъктлар суратга олинган. Кадр ортидан эса ҳарбий самолёт учувчиларнинг: «Биз ёлғиз эмасмиз. Бу жуда қизиқ», деган овозлари эшитилади.***

***Учувчилар бу объектларни 3,5 километр баландликда кўришган. Аммо улар кирувчи самолётларда таъқиб қилинганда ғойиб бўлишган.***

*Жаҳон тажрибаси*

# Япония Ҳисоб палатаси

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳисоб палатаси у ёки бу ном билан юритилади. Масалан, Японияда у Давлат тафтиш комиссияси деб номланган. Мазкур палата давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг ташкилотлар ва муассасаларда қандай сарфланиши устидан назорат ишларини олиб боради. Аввало, шуни айтиш керакки, кунчиқар мамлакатда молия назорати "Давлат молияси тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Давлат мулки тўғрисида"ги, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги, "Давлатнинг кредиторлик ҳуқуқини бошқариш тўғрисида"ги қонунлар билан тартибга солинади.

Япония Давлат тафтиш комиссияси мамлакат Конституциясига кўра, давлат, субсидиялар, мамлакатга қарашли корпорация ва агентликларнинг молия ҳисоботларини тафтиш этувчи мустақил ташкилот. У давлатнинг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги якуний ҳисобот тафтишини, шунингдек, қонунда белгиланган бошқа бухгалтерия тафтишини амалга оширади. Конституцияда белгилаб қўйилганидек, Вазирлар Маҳкамаси парламентга давлат бюджети тўғрисидаги ҳисоботни комиссиянинг тафтиш ҳисоботи билан биргаликда тақдим этади. Чунки бюджет ижросининг тўлақонлигини бюджет тузилиши ва ижросида инобатга олиш давлатнинг молия фаолияти соғлом бўлиши учун муҳимдир.

Давлат тафтиш комиссияси ўз вазифасини одилона бажариши учун Вазирлар Маҳкамасидан мустақил мақомга эга. Комиссия таркибида тафтиш кенгаши ва тафтиш олиб борувчи умумий ижроия бошқармаси мавжуд. Тафтиш кенгаши учта комиссар-инспектордан иборат. Улар Давлат тафтиш комиссиясининг қарорини қабул қилади. Комиссар-инспекторлар парламентнинг қуйи ва юқори палаталари розилиги билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва император томонидан тасдиқланади. Уларнинг ваколат муддати етти йил. Тафтишнинг мустақиллигини таъминлаш учун уларнинг мақоми кафолатланади. Давлат тафтиш комиссияси раиси эса комиссар-инспекторлар орасидан танлов натижалари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Давлат тафтиш комиссияси раиси тафтиш кенгаши мажлисларини бошқаради.

Умумий ижроия бошқармасига келсак, у котибият ва бешта департаментдан иборат. Котибият ва ҳар бир департамент бўлимлардан таркиб топган. Ҳайъатнинг 1253 нафар ходимидан тахминан 800 нафари тафтишчи ва уларнинг ёрдамчиларидир. Улар тафтиш фаолиятида марказий ўринни эгаллайди. Тафтиш ўтказувчи ходимдан текширилаётган ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ турли тармоқларга оид қонунчилик, шунингдек, молия, иқтисодиёт, қурилиш, электроника ва шу каби соҳаларда ҳам кенг билимга эга бўлиши талаб қилинади. Давлат хизматчиси мақомини берувчи танлов имтиҳонини топширган комиссия ходимлари тафтиш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқача айтганда, тафтишчи даражасига етгунча 7-8 йил ўтади. Тафтишчи ҳуқуқига эга бўлгандан кейин ҳам ходим ўз малакасини ошириб боради.

Давлатнинг бухгалтерия ҳисоби, ҳукуматга қарашли ташкилотлар ва давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган субъектлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари (префектуралар, шаҳарлар, аҳоли манзиллари), ҳукумат молиявий ёрдам берадиган турли юридик шахслар Давлат тафтиш комиссиясининг тафтиш объекти ҳисобланади. Тегишли қонунларга мувофиқ тафтиш объектлари бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тафтиш комиссиясига молиявий ҳисоботлар тақдим этиб туришлари шарт. Комиссия тақдим этилган молиявий ҳисобларни ва асословчи ҳужжатларни доимий равишда тафтиш этиб боради. Масалан, 2003 молия йилида ҳайъат 200 минг молиявий ҳисоботларни ва 73,5 миллион дона асословчи ҳужжатларни тафтишдан ўтказди.

Комиссия йиллик молиявий тафтишини тугатгандан сўнг, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган рақамларнинг ҳаққонийлигини текширади. Шунингдек, молиявий ҳисобларнинг тўғрилигини таъминлаш мақсадида тафтишчиларини вазирлик ва идораларнинг бош бошқармалари ва филиалларига, қурилиш ёки лойиҳа ишлари бажарилаётган жойларга юборади. Бундан ташқари, Япония ҳудудидан ташқарида (ривожланишга расмий ёрдам доирасида лойиҳалар амалга ошаётган жойларда, элчихоналарда) ҳам тафтиш ўтказилади.

Тафтиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларда қайд қилинадиган ва парламентга тақдим этиладиган камчиликларнинг асосий қисми бевосита жойларда ўтказиладиган тафтишларда ошкор бўлади. Тафтиш объектлари тўғрисидаги бундай танқидий ахборотлар аҳолига тақдим этилади, бюджет ижросини таъминлайдиган идоралар эса бундан расман хабардор қилинади. Шунинг учун ҳам бундай усул тафтиш фаолиятида жуда муҳим ҳисобланади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бухгалтерия операцияларида қоида бузилиш ҳоллари ошкор бўлса, уларнинг юзага келиш сабаблари ўрганилади, уни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Давлат тафтиш комиссияси Конституцияга асосан бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботга асосланиб, тафтиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тузади. Бу иккала ҳужжат биргаликда Вазирлар Маҳкамасига, сўнгра (Вазирлар Маҳкамасидан) парламентга тақдим этилади. Парламент томонидан бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилаётганда тафтиш фаолияти тўғрисидаги ҳисобот муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тафтиш фаолияти тўғрисидаги ҳужжат Вазирлар Маҳкамасига юборилаётган даврда (одатда декабрь ойида) оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

**Аббос НАБИХЎЖАЕВ,**
**Ўткир ҲАЙДАРОВ.**

## *Омади бор экан...*




Италиянинг Турин шаҳридаги қариялар уйида яшовчи 102 ёшли кампир тўртинчи қаватдан тушиб кетиб омон қолди. Касалхонага келтирилгач, унинг ҳаётига ҳеч нарса хавф туғдирмаётганлиги аниқланди. Унинг, ҳатто, бирор жойи лат емаган.

Касалхона ходимининг сўзларига қараганда, қариянинг бутун ҳаёти давомида спорт билан шуғулланиши ва жисмоний соғломлиги тананинг шикаст емаганига сабаб бўлди.

## *Гапдонлик бўйича янги рекорд*



Баҳрайн фуқароси Ал Носир нутқ сўзлаш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. У ўз нутқини чоршанба куни эрталаб бошлаб шанба кечқурун тугатган.

56 ёшли Баҳрайн фуқароси она тилида тўхтамасдан 66 соат давомида гапирди. Бу нотиқлик бўйича Гиннес китобига киритилган рекорддан 4 соат зиёд. Нотиқ тамадди қилиб олиш учун ҳар 8 соатда танаффус қилиб турди.

Ал Носир қарийб уч кун давомида нейролингвистик дастурлаштириш мавзуида нутқ сўзлади.

— Бу мавзу касбим билан боғлиқ бўлгани учун, бу ҳақда тўхтамай гапира оламан, — деди у.

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !



